

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил январь ойининг 05 куни жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман суди, Қўрғонтепа туман 4-сонли болалар мусиқа ва санъати мактаби идора биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи туман суди раиси Н.Парпиев, судья ёрдамчиси Н.Тўланованинг котибалигида, тарафлардан–туман прокурори катта ёрдамчиси М.Эргашев, ҳимоячи М.Юлдашев, шунингдек жабрланувчи И.Курбанов фуқаровий даъвогар Г.Исабоевлар иштирокида,

1964 йил 16 июлда Қўрғонтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, расман меҳнат фаолиятига эга эмас, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам;

1). жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2022 йил 02 августдаги ажримига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 1-қисми билан ЖК 66¹-моддаси тартибида ярашув баённомаси тасдиқланиб жиноят иши тугатилган,

2). жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа туман судининг 2022 йил 06 сентябрдаги ажримига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 1-қисми билан ЖК 66¹-моддаси тартибида ярашув баённомаси тасдиқланиб жиноят иши тугатилган, Қўрғонтепа тумани, Ғайрат МФЙ, Жийдали кўчаси 23-уйда яшайди, жиноят иши бўйича 2023 йил 06 ноябрдан “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 25 ноябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан судланувчи Зухрутдинов Рустамга оид 1-1709-2301/296-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

2023 йил 17 октябрь куни соат 15:30ларда Қўрғонтепа тумани Ғайрат МФЙ ўрамида жойлашган “Зиёдин ота” хусусий шифохонаси олдида турган фуқаро И.Курбановга тегишли бўлган



бир дона “Урал” русумли 550.000 сўмлик велосипедини яширин равишда ўғирлаган.

_____ суд мажлисида ярашув аризасини қувватлаб, қилмишига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, ўз қилмиши оқибатларини тўлиқ англаганлиги, жабрланувчи И.Курбанов ва фуқаровий даъвогар Г.Исабоевлардан кечирим сўраганлиги, И.Курбановга велосипедини қайтариб бергани, Г.Исабоевга 180.000 сўм пулларини тўлагани, улар билан бирор-бир тазйиқсиз ихтиёрий ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи И.Курбанов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, _____ нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги _____ содир этган қилмиши учун ундан кечирим сўраганлиги, _____ унга велосипедини қайтариб бергани, у билан ўзаро ярашиб олганлиги, аризани ўз хоҳиши билан тақдим қилганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар тушунтирилгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Г.Исабоев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, _____ нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, _____ содир этган қилмиши учун ундан кечирим сўраганлиги, _____ унга 180.000 сўм пулларини қайтариб бергани, у билан ўзаро ярашиб олганлиги, аризани ўз хоҳиши билан тақдим қилганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар тушунтирилгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 661-моддасида, мазкур Кодекснинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи _____ ҳамда жабрланувчи И.Курбанов, фуқаровий даъвогар Г.Исабоевларнинг ярашув тўғрисидаги аризасини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, прокурор М.Эргашев ва адвокат М.Юлдашевларнинг жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Зухрутдинов Рустамни қилмишига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи И.Курбанов, фуқаровий даъвогар Г.Исабоевлар билан ўзаро ярашиб олганлиги, И.Курбанов ва Г.Исабоевларни моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақида ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, зарарлар тўлиқ қоплангани, уларга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, уларнинг ярашувлари ихтиёрий эканлигини инобатга олиб, Зухрутдинов Рустамга нисбатан юритилган жиноят ишини томонларнинг ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.



Суд, ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона велосипед тилхат орқали жабрланувчи И.Курбановга қайтарилганлигини инобатга олишни, 1 дона ДВД дискни жиноят иши билан сақлашни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми ва 585-586-моддаларига риоя қилиб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан [REDACTED] оид жиноят иши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани эътиборга олинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона велосипед тилхат орқали жабрланувчи И.Курбановга қайтарилганлиги инобатга олинсин, 1 дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажрим устидан ўн кун ичида Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи имзо
Ажрим нусхаси аслига тўғри.
Туман судининг раиси:

Н.Парпиев
Н.Парпиев

